

## **“КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ.**

**Раҳимжонов Акмалжон**

Ўзбекистон миллий университети

“Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақола кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат руйҳатидан ўтказиш ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб хусусан, бунда қонуннинг асосий мазмун ва моҳияти ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат руйҳатидан ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш каби масалалар шунингдек, кўчмас мулкни давлат руйҳатидан ўтказиш тартиби ва расмийлаштирилиши, шартнома предмети ва баҳосини аниқлашда учрайдиган мавжуд муаммолар очиқ берилган.*

**Калит сўзлар:** *Кўчмас мулк, мол-мулк, мулкни расмийлаштириш, хусусий мулк, мулкдан фойдаланиш, доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи, мулкни тасарруф қилиш, ер участкаси, бино, ишоот, ижара ҳуқуқи.*

## **СУЩНОСТЬ ЗАКОНА «О ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАЦИИ ПРАВ НА НЕДВИЖИМОЕ ИМУЩЕСТВО»**

**Раҳимжонов Акмалжон**

Преподаватель кафедры «Гражданское общество и правовое образование»

Национальный университет Узбекистана

### **АННОТАЦИЯ**

*Данная статья посвящена вопросам государственной регистрации прав на недвижимое имущество и ее совершенствованию, в частности, основному содержанию и сущности права и регулированию отношений в сфере государственной регистрации прав на недвижимое имущество, а также так же раскрываются порядок и оформление государственной регистрации недвижимого имущества, предмет договора и существующие проблемы в определении цены.*

**Ключевые слова:** *Недвижимость, имущество, регистрация права собственности, частная собственность, пользование имуществом, право*

*постоянного владения, распоряжение имуществом, земельный участок, здание, строение, аренда.*

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан кўчмас мулкка доир муносабатларни тартибга солиш ва қонунчилигимизни мустаҳкамлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан кўчмас мулк институти соҳасини янада тартибга солиш мақсадида 2020 йилда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси эълон қилинган эди. Орадан 2 йил вақт ўтиб 2022 йил 28 ноябр куни “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонун<sup>1</sup> (ЎРҚ–803, 28.11.2022 й.) Президент томонидан имзоланди. **Қонун 10 та боб боб ва 74 та моддадан иборат бўлиб, Қонуннинг 74-моддаси билан қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириши** белгилаб қўйилди. Қонуннинг асосий мақсади этиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгиланди. Қонуннинг амал қилиш соҳаси эса кўчмас мулкнинг ер участкаларига, биноларга, иншоотларга, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектларга, кўп йиллик дов-дарахтларга, мулкий мажмуа сифатидаги корхона турларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга нисбатан татбиқ этиладиган бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки ушбу Қонуннинг амал қилиши ер ости бойликларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳам белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга Қонунда идентификация қилишга оид маълумотлар, кадастр паспорти, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни бирламчи давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши, кўчмас мулкни техник инвентаризациядан ўтказиш, объектнинг кадастр рақами, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар, ҳуқуқ эгаси каби тушунчаларга ҳам тўхталиб ўтилган.

**Кўчмас мулкка бўлган қандай ҳуқуқлар ёки чекловлар давлат рўйхатидан ўтказилиши зарур ?**

Эндиликда Қонун кучга кирганидан сўнг, кўчмас мулкка бўлган қуйидаги ҳуқуқлар ёки чекловлар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

- мулк ҳуқуқи;
- доимий эгалик қилиш ҳуқуқи;

<sup>1</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

- доимий фойдаланиш ҳуқуқи;
- мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;
- ижара ҳуқуқи;
- иккиламчи ижара ҳуқуқи;
- хўжалик юритиш ҳуқуқи;
- оператив бошқариш ҳуқуқи;
- кўчмас мулкни ишончли бошқариш ҳуқуқи;
- бепул фойдаланиш ҳуқуқи;
- рента;
- ипотека;
- сервитут;
- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан қонундан келиб чиқадиган

ёки ваколатли давлат органлари томонидан қўйилган (белгиланган) чекловлар.

Шу билан бирга биноларга, иншоотларга ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу кўчмас мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайдиган бўлди.

Бундан ташқари Қонуннинг 11-моддаси<sup>2</sup>га асосан, бинонинг бир қисмига (квартираларга, хоналарга) бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш улар жойлашган бинога бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмаслиги, мулкий мажмуа сифатида бутун корхонага бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бу корхона таркибига кирадиган ер участкаларига, биноларга ва иншоотларга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмаслиги, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ бошқа шахсларга ўтганлигини, чекланганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли ҳуқуқ юзага келганлиги давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмаслиги ҳам белгилаб қўйилди.

### **Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни бекор қилиш тартиби қандай ?**

2023 йил март ойининг 1 санасидан бошлаб кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни фақатгина икки ҳолатда бекор қилиш мумкин. **Биринчи ҳолат** кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш комиссияси томонидан бекор қилинади. **Иккинчи ҳолатда** эса суднинг қарорига кўра бекор қилиниши мумкин.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

## **Кимлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширадилар ?**

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ва воситачилар амалга оширадилар.

Барчада кимлар воситачилар бўлиши мумкин деган савол туғилиши табиий. Қонунда бу ҳақида аниқ келтириб ўтилган бўлиб, Қонунинг 16-моддаси<sup>3</sup>да Воситачилар деб жисмоний ва юридик шахсларга кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашувчилар тушунилади. Воситачилар давлат хизматлари марказлари, нотариал идоралар, нотариуслар, риэлторлик ташкилотлари, тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида бегилаб қўйиладиган бошқа юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

## **Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларга қандай ҳужжатлар киради ?**

Қонуннинг яна бир ўзига хос жиҳати, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар номли 6-боб<sup>4</sup>да ўз аксини топган. Эндиликда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар агар ер участкасини ажратиш (реализация қилиш) тўғрисидаги **2021 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинган ҳужжатлар**да ер участкасига бўлган ҳуқуқ тури кўрсатилмаган бўлса, қуйидаги ҳуқуқлар тан олинади ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

- якка тартибда уй-жой қуриш ва уни ободонлаштириш, деҳқон ҳўжаликларини ҳамда жамоа боғдорчилигини ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаларига нисбатан жисмоний шахсларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

- бинолар ва иншоотлар қурилиши учун берилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

- қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи.

**2021 йилнинг 1 августидан** эътиборан қабул қилинган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш ҳақидаги, кўп квартирали уй жойлашган ер участкасини, шунингдек кўп квартирали уйга туташ бўлган ер участкасини умумий фойдаланиш учун (нотижорат мақсадларда) кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги қарорлари;

ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — ижара шартномаси.

1998 йилнинг 1 июлидан 2021 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини бериш ҳақида ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, нотариал тасдиқланган мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, ушбу ҳуқуқнинг аукционда сотиб олинганлигига асосан туман (шаҳар) ҳокими томонидан берилган давлат ордери;

ер участкасига доимий эгалик қилиш, ундан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муайян юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаларини бериш ҳақида ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион яқунлари тўғрисидаги баённома;

ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан берилган давлат ордери;

ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун — ижара шартномаси.

Бундан ташқари Қонун шуни назарда тутди-ки, биноларга, иншоотларга ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши давлат рўйхатидан ўтказилаётганда бу объектлар билан бирга мазкур объектлар эгаллаган ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига **доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи ҳам ўтади.**

Агар сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, сотиб олувчига **ер участкасининг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ўтказилади.**

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар қандай босқичларда амалга оширилади?**

Қонуннинг 7-боби<sup>5</sup> Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга оид чекловларни давлат рўйхатидан ўтказишга бағишланган боб бўлиб, Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар қуйидаги босқичларга мувофиқ амалга ошириладиган бўлди:

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган аризани ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни қабул қилиш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлаш.

Чет эл юридик ёки жисмоний шахсларининг мулкида бўлган кўчмас мулк реализация қилинган тақдирда, бу кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадлардан фойда солиғи юридик шахс томонидан ёки жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи жисмоний шахс томонидан тўланганидан кейин амалга оширилади, бундан кўчмас мулк Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахсга реализация қилинган ҳоллар мустасно.

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар қанча муддатда амалга оширилади ?**

<sup>5</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

Қонуннинг 43-моддаси<sup>6</sup> га биноан, Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатлар **тегишли ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни** ичида амалга оширилади.

**Қандай ҳолатларда рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши мумкин ?**

Қонуннинг 44-моддаси<sup>7</sup> га асосан, рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни қуйидаги ҳолларда рад этади:

- ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлганда;

- кўчмас мулкнинг тавсифларини текшириш натижалари кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилдидаги мавжуд маълумотларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда;

- кадастр паспортида кўрсатилган кўчмас мулкнинг майдони (ҳажми) ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатда кўрсатилган майдондан (ҳажмдан) ортиқ бўлса;

- агар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши давлат реестрига киритилган бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини бузса;

- агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайси кўчмас мулкка нисбатан битимни ёки ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза берилган бўлса, ўша кўчмас мулкни тасарруф этишга доир тақиб ёки чеклов давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ёзув мавжуд бўлса;

- агар турли ариза берувчилардан бир вақтнинг ўзида айни бир кўчмас мулкни, битимни, ҳуқуқни, ҳуқуқ чекланганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида аризалар келиб тушган бўлса ҳамда уларни бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин бўлмаса. Бундай асосларга кўра рад этишга фақат рад этиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

- рўйхатдан ўтказувчи органда мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низолар мавжудлигини тасдиқловчи суд ҳужжатлари ёки суднинг сўрови мавжуд бўлса;

- кўчмас мулк суд ёхуд бошқа ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан мусодара қилинган бўлса;

<sup>6</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

<sup>7</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>

- тақдим этилган ҳужжатларда қарама-қарши ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда;
- кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди тузилмаган бўлса ёки кадастр паспорти мавжуд бўлмаса;
- рўйхатдан ўтказувчи органда кўчмас мулк қонунчиликда белгиланган тартибда хатловга олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлганда;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқлар қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинган бўлса;
- ҳуқуқларнинг юзага келишини белгиламайдиган ҳужжатлар тақдим этилганда;
- чет эл юридик ёки жисмоний шахсига тегишли бўлган кўчмас мулк реализация қилинганда кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича фойда солиғи юридик шахс томонидан ёки жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи жисмоний шахс томонидан тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, бундан кўчмас мулк Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахсга реализация қилинган ҳоллар мустасно;
- Қонуннинг 11-моддасида белгиланган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлигига риоя этилмаган бўлса;
- қурилиши тугалланмаган объектга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида қурилиш органи томонидан тасдиқланган лойиҳа ҳамда лойиҳа ташкилотининг қурилиш лойиҳага мувофиқ бошланганлиги тўғрисидаги ҳулосаси тақдим этилмаган бўлса;
- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи томонидан тўхтатиб турилган ҳолларда, агар тақдим этилган ҳужжатлардаги камчиликлар уч иш куни ичида бартараф этилмаган бўлса;
- агар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳақ тўланмаган бўлса.

Демак, юқорида келтириб ўтганимиз 18 та ҳолатдан ташқари бошқа ҳолатларни асос қилган ҳолда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ноқонуний ҳисобланади.

**Қайси пайт Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайт ҳисобланади ?**



Қонуннинг 46-моддаси<sup>8</sup>га биноан давлат реестрига ёзув киритилган сана ва вақт кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдир.

Умуман олганда ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин-ки, ушбу Қонун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатларни қамраб олган. Эндиликда ушбу Қонунга асосан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда амалиётда мавжуд бўлган ва кўп учраб турган тушунарсизликлар ва муаммолар ўз ечимини топади деган умиддамиз.

## REFERENCES

1. ЎзР “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонуни [электрон ресурс] – ЎзР Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.11.2022 й., 03/22/803/1046-сон // <https://lex.uz/uz/docs/6297080>
2. Topildiev, B. (2021). Issues Of Protection And Enforcement Of The Rights And Interests Of The Beneficiary. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(06), 13-19.
3. Rakhimjonov, A. (2021). Increasing Civil Liability For Violation Of Rights To Real Estate. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(04), 205-212.
4. Azimjon Abdumo‘min o‘g, I. (2023, January). IJARA SHARTNOMASI OBYEKTI. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 2, No. 1, pp. 161-165).
5. Раҳимжонов, А. Б. Ў. (2022). КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 1041-1049.
6. Yuldashev, J. (2023). Step-by-step development of jointstock companies in Uzbekistan. *Eurasian Research Bulletin*, 16, 114-118.
7. Юлдашев, Ж. (2022). АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТИ (НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУШОҲАДА). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 1245-1252.
8. Топилдиев, Б. Р. (2019). ОСОБЕННОСТИ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПЕРЕДАЧИ ПРЕДПРИЯТИЯ В ДОВЕРИТЕЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ. *ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ*, 29-33.

<sup>8</sup> <https://lex.uz/uz/docs/6297080>